

ГАЗ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Маълумки, айти пайтда республикамиз иқтисодиётининг эҳтиёжлари, шунингдек, мавжуд минерал-хом ашё, қишлоқ хўжалиги ресурсларини ва инфратузилмани инобатга олган ҳолда жойларда кичик саноат ҳудудлари барпо этилмоқда.

Бу турдаги ҳудудларда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқаришга мослашган корхоналар жойлаштирилади. Натижада 30 га яқин гипс, цемент ва бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилиб, қўшимча 4000 дан зиёд ишчи ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Бу жараёнда ишлаб чиқариш корхоналарини муҳандислик-коммуникациялари билан таъминлаш долзарб масаладир.



“Ҳудудгаз Фарғона” МЧЖнинг “Ўзбекистонтумангаз” филиали томонидан Ўзбекистон тумани “Шўрсув” шаҳарчасида барпо этилган кичик саноат ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналарини табиий газ билан таъминлаш мақсадида 7.7 км узунликдаги газ тармоқларини тортиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда 5.5 км узунликдаги газ тармоқларини тортиш ишлари бажарилди. Тез кунларда қурилиш ишлари якунига етказилиб, газ тармоқларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.